

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

514 **Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 10 августдаги ПҚ–1595-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиши ва улар ўртасидаги соғлом рақобат учун қулай шарт-шароитлар яратиш асосида контрабанда товарларини четдан келтириш ва сотишнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2012 йил 1 январдан бошлаб четдан келтириладиган истеъмол товарларининг айрим гуруҳлари божхонада расмийлаштирилгунга қадар эркин муомала (кейинги ўринларда импорт деб аталади) учун чиқариш режимида

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилишнинг мажбурий жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Четдан келтириладиган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган четдан келтириладиган истеъмол товарлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Четдан келтириладиган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиш тизимини жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан четдан келтириладиган зарур технологик асбоб-ускуналар, сарфлаш материаллари ҳамда «Маркировка қилиш ва аудит» идоралараро ахборот тизимининг дастурий таъминоти рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркаланмаган шаклда сотиш ва сақлаш тақиқлансин.

Махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркаланмаган шаклда сотиш ва сақлаш ҳолатларига, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қўллаган ҳолда, савдо қоидаларини бузиш сифатида қаралсин.

4. Белгилансинки:

2012 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларини савдо тармоғида 2012 йил 1 июлгача махсус назорат идентификация белгилари билан маркаламасдан сотиш мумкин;

хўжалик юритувчи субъектлар 2012 йил 1 январгача импорт қилинган истеъмол товарларини маркировка қилиш учун товарлар импортнинг божхона режимида расмийлаштирилганини тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ўзларидаги мавжуд истеъмол товарларини маркировка қилиш учун буюртманомаларни хўжалик юритувчи субъект жойлашган жой бўйича ДБҚнинг ҳудудий бошқармаларига беришлари мумкин. Бунда истеъмол товарларини идентификация белгилари билан маркировка қилиш товарлар сотиладиган ёки сақланадиган жойларда ДБҚнинг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан амалга оширилиши мумкин;

махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган четдан келтириладиган истеъмол товарлари рўйхатига янгидан киритиладиган истеъмол товарларини бундай истеъмол товар-

лари рўйхатга киритилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида ушбу белгилар билан маркировка қилмаган ҳолда сотишга рухсат берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси махсус назорат идентификация белгиларини муомалага киритиш мақсадида махсус жамғармалар маблағлари ҳисобига зарур технологик асбоб-ускуналар, сарфлаш материаллари ҳамда «Маркировка қилиш ва аудит» идоралараро ахборот тизимининг дастурий таъминоти сотиб олиншини ўн кун муддатда таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси:

ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг буюртманомаларига мувофиқ миқдорда ҳимоя элементлари бор бўлган қоғоз олинishi ва ишлаб чиқарилишини, елим асосини тушириш учун жўнатишни ва импорт бўйича ҳимоя элементлари бор бўлган ўзи елимланадиган қоғоз олиншини таъминласин;

махаллий ишлаб чиқарилган ҳимоя элементлари бор бўлган қоғоз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилишини ва ҳимоя элементлари бор бўлган ўзи елимланадиган қоғоз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилишини амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига, Давлат солиқ қўмитасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасига истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиш тизимини жорий этиш доирасида технологик асбоб-ускуналар ва сарфлаш материалларини контрактларни сифати, бозор конъюнктураси нархлари даражасига мувофиқлик юзасидан мустақил экспертизадан ўтказишни амалга оширувчи аккредитация қилинган консалтинг фирмаларининг хулосалари асосида, истисно тариқасида, тендер савдолари ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бевосита расмий вакилларида сотиб олишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларининг четдан келтирилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарлари сотилиши ва сақланиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим гуруҳлари махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиниши тизими жорий этилиши тўғрисида аҳолини кенг ҳабардор қилишни таъминласин;

Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда импорт қилишда махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган четдан келтириладиган истеъмол товарлари айрим гуруҳларини маркировка қилиш натижалари тўғрисидаги таҳлилий ахборотни 2012 йил 1 октябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин ҳамда, зарурат бўлганда, тегишли қонунчилик нормаларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
324-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 12 декабрдаги 324-сон қарорига
1-ИЛОВА

Четдан келтириладиган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом эркин муомала (кейинги ўринларда импорт деб аталади) учун чиқариш божхона режимига чиқаришда махсус назорат идентификация белгилари (кейинги ўринларда идентификация белгилари деб аталади) билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган четдан келтириладиган истеъмол товарлари айрим гуруҳларини маркировка қилишга қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Четдан келтириладиган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш схемаси ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

3. Ушбу Низом:

хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-тех-

ник ходимлари расмий фойдаланиши, шу жумладан уларнинг улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг шахсий фойдаланилиши учун мўлжалланган;

кўргазма намуналари, синаш, тадқиқ этиш учун намуналар сифатида чет элдан олиб келинадиган;

халқаро транзит мақсадлари учун мўлжалланган;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган божсиз олиб келиш нормалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан импорт бўйича олиб келинадиган, тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган;

божсиз савдо дўконларида сотиладиган истеъмол товарларига идентификация белгилари билан маркировка қилишга жорий этилмайди.

II. Идентификация белгиларига буюртма бериш тартиби

4. Идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларини Ўзбекистон Республикасига олиб келувчи шахс улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган пайтдан бошлаб 1 — 15 кун мобайнида 2-иловага мувофиқ шакл бўйича товарларни идентификация белгилари билан маркировка қилиш юзасидан буюртманома тақдим этади. Буюртманома товарлар тушган жой бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда ДБҚ деб аталади)нинг божхона постига берилади.

5. Божхона пости ходими буюртманомаларни қабул қилишда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ божхона постида идентификация белгиларини тайёрлашга буюртманомаларни ҳисобга олиш дафтарини тўлдиради. Буюртманомалар дафтарга қайд этилгандан кейин божхона пости ходими бир иш куни мобайнида идентификация белгиларининг зарур сонини тайёрлаш учун ДБҚнинг ҳудудий бошқармасига мурожаат қилади.

6. ДБҚнинг ҳудудий бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлими ходими божхона постининг буюртманомаси бўйича ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳудудий бошқармада идентификация белгиларини тайёрлашга буюртманомаларни ҳисобга олиш дафтарини тўлдиради ва ўша куннинг ўзида буюртманомани идентификация белгилари тайёрланиши учун масъул бўлган ДБҚнинг ҳудудий бошқармаси ходимига юборади. ДБҚнинг ҳудудий бошқармаларида идентификация белгилари тайёрланиши, уларнинг ҳисоби юритилиши, ҳисобот ва назорат учун масъул бўлган ДБҚнинг ҳудудий бошқармаси ходими ДБҚнинг ҳудудий бошқармаси Раисининг буйруғи билан тайинланади.

7. ДБҚ ҳудудий бошқармасининг идентификация белгиларини тайёрлаш учун масъул бўлган ходими икки иш куни мобайнида махсус принтерларда термотранс босма усулида (штрих код тарзида) идентификация белгиларини тайёрлайди, буюртманомаларни ҳисобга олиш дафтаридида қайд этади ва уларни ташкилий-инспекторлик бўлими орқали божхона постига юборади.

8. Истеъмол товарларининг идентификация белгилари билан маркировка қилиш буюртманомалар асосида, божхона пости ходими томонидан амалга оширилади.

III. Идентификация белгиларини тайёрлаш ва бериш тартиби

9. Идентификация белгилари ДБҚнинг ҳудудий бошқармалари томонидан тегишли шартнома асосида ушбу Низомга 5-иловада келтирилган намуна бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасидан (кейинги ўринларда «Давлат белгиси» ДИБ деб аталади) ДБҚ томонидан сотиб олинadиган ҳимоя элементлари бор бўлган, ўзи елимланадиган махсус қоғозда тайёрланади. Идентификация белгиларининг дизайни ва ҳимоя қилиш даражаси ДБҚ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда «Давлат белгиси» ДИБ томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ҳимоя элементлари бор бўлган ўзи елимланадиган махсус қоғоз қиймати белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилади.

10. Ўзи елимланадиган махсус қоғозни олиш учун ДБҚ ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳақи тўланиши тўғрисидаги икки нусхада қафолат хати билан ўзи елимланадиган махсус қоғозни сотиб олишга буюртманома шаклидаги буюртмани «Давлат белгиси» ДИБга расмийлаштиради.

11. «Давлат белгиси» ДИБ ўзи елимланадиган махсус қоғозни олиш учун буюртманомаларни қабул қилишда ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича ўзи елимланадиган махсус қоғозни тайёрлаш юзасидан буюртманомаларни ҳисобга олиш дафтарида қайд этади.

12. Рақамланиши ортиб борадиган ўзи елимланадиган махсус қоғоз тайёрлангандан кейин «Давлат белгиси» ДИБ бу ҳақда ДБҚни хабардор қилади.

13. ДБҚ ўзи елимланадиган махсус қоғоз учун ҳақ тўлангандан кейин ўзи елимланадиган махсус қоғозни олиш учун тўлов топшириқномаси билан «Давлат белгиси» ДИБга мурожаат қилади.

14. Буюртманомада кўрсатилган ўзи елимланадиган махсус қоғоз учун ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин «Давлат белгиси» ДИБнинг масъул шахси ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича ўзи елимланадиган махсус қоғозни бериш юзасидан 2 нусхада қвитанция тўлдиради.

15. «Давлат белгиси» ДИБнинг масъул шахси ДБҚнинг ваколатли ходимига ортиб борадиган рақамлаш бўйича ўзи елимланадиган махсус қоғознинг буюртманомада кўрсатилган сонини беради ва бу ҳақда ўзи елимланадиган махсус қоғозни олиш учун қвитанцияга белги кўяди. Қвитанциянинг бир нусхаси «Давлат белгиси» ДИБнинг масъул шахсида қолади, иккинчи нусхаси ДБҚнинг ваколатли ходимига қайтарилади.

16. «Давлат белгиси» ДИБ ўзи елимланадиган махсус қоғоз ДБҚнинг ваколатли ходимига берилгунга қадар шикастланмасдан ўрамда сақланишини таъминлашга мажбур. Бузилмаган ўрамдаги ўзи елимланадиган махсус қоғознинг сони ДБҚнинг ваколатли ходимида шубҳа туғдирган ҳолларда, улар «Давлат белгиси» ДИБнинг вакилларининг мажбурий иштирокида текширилади.

17. ДБК томонидан олинган ўзи елимланадиган махсус қоғоз номинал қиймати бўйича 006 «Қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар» балансдан ташқари ҳисоб рақамига кирим қилинади. Ўзи елимланадиган махсус қоғоз кирими ва сарфи ҳисоби қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар учун ўхшаш бўлган тартибда юритилади.

18. Идентификация белгилари термотрансфер босма усулида (штрих код тарзида) махсус принтерларда тайёрланади. Штрих коди ўзида тегишли ахборот — товарнинг номи, товарнинг миқдори, олиб кираётган шахснинг номи, экспорт қилувчининг номи, юк божхона декларациясининг рўйхатдан ўтказиш рақами ва тайёрловчи завод томонидан қўйиладиган товарнинг серияли рақами мавжуд бўлган улар орасида қора квадратлар ва оч ранг ораликлар бўлган комбинациялардан иборат расмни ифодалайди.

IV. Идентификация белгиларини маркировка қилиш тартиби

19. Четдан келтириладиган истеъмол товарларини идентификация рақамлари билан маркировка қилиш божхона пости ходимлари томонидан товар тушган жой бўйича импортнинг божхона режимига божхонада расмийлаштирилгунга қадар амалга оширилади. Идентификация белгилари билан маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларини олиб келувчи шахслар юк божхона декларациясининг 31-устунида тайёрловчи завод томонидан етказиб бериладиган четдан келтириляётган истеъмол товарларининг серия рақамлари тўғрисидаги маълумотни кўрсатишлари керак.

20. Идентификация белгиси божхона пости ходими томонидан товарнинг ўрамига туширилади, у товар сотилгунга қадар ундан ажратилмайди ва товар белги билан сотувга қўйилади, ёки бевосита товарга туширилади.

21. Идентификация белгилари сотилмайди, бошқа шахсларга берилмайди, ДБКнинг ҳудудий бошқармалари божхона постлари томонидан қайтарилган ҳолатлар бундан мустасно.

V. Давлат божхона хизмати органларида идентификация белгилари ҳисобини юритиш, ҳисобот бериш ва улар устидан назорат қилиш тартиби

22. Идентификация белгиларига қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар сифатида бухгалтерия ҳисоби қоидалари татбиқ этилади.

23. Идентификация белгилари ҳисобини юритиш ва улар бўйича ҳисобот бериш уларнинг сони бўйича юритилади.

24. ДБКнинг ҳудудий бошқармалари идентификация белгиларидан фойдаланишнинг тўғрилиги ва ҳисобдан чиқарилиши устидан доимий назоратни амалга оширадилар.

25. Ҳисобот бериладиган йил чорагидан кейинги ойнинг 10-қунигача ҳар чорақда ДБКнинг ҳудудий бошқармалари жорий чорақ биринчи ойининг 1-қунидаги ҳолати бўйича ДБКга олиб кираётган шахслар, товарлар бўйича

идентификация белгиларининг ҳаракати тўғрисида ахборот такдим этади. Кўрсатиб ўтилган ахборот ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича электрон шаклда такдим этилади.

26. Божхона постлари идентификация белгиларидан фойдаланиш бўйича тўғри ҳисоб юритилишини таъминлашлари ва шикастланган белгиларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилгунга қадар уларни йўқотмасдан сақлашлари зарур.

27. Идентификация белгилари сақланиши ва улардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши учун жавобгарлик ДБКнинг тегишли ходимларига юкланади.

VI. Давлат божхона хизмати органларида идентификация белгиларини ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш тартиби

28. Идентификация белгилари шикастланган ҳолатларда божхона постлари барча шикастланган идентификация белгиларини шикастланган идентификация белгиларини йўқ қилиш учун топшириш тўғрисидаги буюртма-нома билан биргаликда ДБКнинг ҳудудий бошқармаларига қайтариши шарт.

29. Шикастланган идентификация белгилари қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда 10 донадан «А4» форматдаги қоғознинг алоҳида варақларига елимланиши керак:

идентификация белгилари букланмасдан ва қийшайтирилмасдан елимланиши керак;

белгилар белгининг марказий қисми ва матн аниқ кўринадиган тарзда ёпиштирилиши керак;

белгилар узилганда унинг алоҳида қисмлари бирлаштирилиши керак;

шикастланган идентификация белгилари ёпиштирилган «А4» форматдаги қоғознинг ҳар бир алоҳида варағи тегишли божхона пости ходимининг шахсий муҳри ва имзоси билан тасдиқланиши керак.

30. Идентификация белгилари тайёрланиши учун масъул бўлган ДБК ҳудудий бошқармаси ходими шикастланган идентификация белгиларини мунтазам равишда тўплайди ва ҳисобот давридан кейинги ярим йиллик биринчи ойнинг 10-қунигача бўлган муддатда уларни ДБКга юборади.

31. Ҳисобот давридан кейинги йил биринчи ойнинг 30-қунигача бўлган муддатда ДБК, «Давлат белгиси» ДИБ ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакилларида камида 3 кишидан иборат таркибда комиссия тузилади.

Комиссия аъзолари бузилган идентификация белгиларининг ҳақиқийлигини ўрганадилар ва имзо билан тасдиқлайдилар.

32. Шикастланган идентификация белгиларининг ҳақиқийлигини ўрганиш ва йўқ қилиш жараёнлари видеотасвирга туширилиши ва кейинчалик шикастланган идентификация белгиларини йўқ қилиш тўғрисидаги тегишли далолатномага илова қилиниши керак.

33. Йўқ қилиш ёқиш йўли билан амалга оширилади, бу ҳақда шикастланган идентификация белгиларини йўқ қилиш далолатномасида тегишли ёзув қайд этилади, далолатнома комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

34. Ностандарт ҳамда буюртма қилинган сондан ортиқча юкланган идентификация белгилари ушбу Низомнинг 28 — 33-бандларига мувофиқ белгиланган тартибда йўқ қилинади.

**VII. Идентификация белгилари билан мажбурий
маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларини
назорат қилишда давлат божхона ва солиқ хизмати
органларининг ўзаро ҳамкорлиги**

35. Идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарлари четдан келтирилишини назорат қилиш ДБК ходимлари томонидан амалга оширилади.

36. Идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларини сотиш ва сақлашни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан амалга оширилади.

Идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларини сотишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан назорат қилиш идентификаторлар (сканерлар) ёрдамида амалга оширилади.

37. Идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларини импортнинг божхона режимида божхонада расмийлаштиришда давлат божхона хизмати органлари томонидан «Маркировка қилиш ва аудит» идоралараро ахборот тизимининг маълумотлар базаси, шу жумладан йўқ қилинган идентификация белгилари бўйича алоҳида реестр шакллантирилади.

Кўрсатиб ўтилган маълумотлар базасида расмийлаштирилган юк божхона декларациялари ва идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган товарларнинг тайёрловчи завод томонидан тақдим этиладиган серия рақамлари тўғрисидаги маълумот бўлиши керак.

38. «Маркировка қилиш ва аудит» идоралараро ахборот тизимидан фойдаланиш ҳамда давлат божхона ва солиқ хизматлари органлари ўртасида ахборот айирбошлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

**VIII. Идентификация белгилари билан мажбурий
маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларини
маркировка қилиш қоидалари бузилганлиги учун
жавобгарлик**

39. Ушбу Низом талаблари бузилишига йўл қўйган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Четдан келтириладиган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Четдан келтириладиган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Истеъмол товарларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтираётган шахс	Божхона постига товарларни идентификация белгилари билан маркировка қилиш юзасидан буюртманома беради.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилган вақтдан бошлаб 1 — 15 кун мобайнида
2-босқич	Божхона пости ходими	Идентификация белгилари тайёрлаш юзасидан буюртманомаларни ҳисобга олиш дафтарини тўлдиради. Зарур миқдорда идентификация белгилари тайёрлаш учун ДБҚ ҳудудий бошқармасига мурожаат қилади.	бир иш куни мобайнида
3-босқич	ДБҚ ҳудудий бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлими ходими	Ҳудудий бошқармада идентификация белгилари тайёрлаш юзасидан буюртманомаларни ҳисобга олиш дафтарини тўлдиради. Буюртманомани ДБҚнинг идентификация белгиларини тайёрлаш учун масъул бўлган ҳудудий бошқармаси ходимига юборади.	шу куннинг ўзида
4-босқич	ДБҚ ҳудудий бошқармасининг идентификация белгиларини тайёрлаш учун масъул ходими	Махсус принтерларда термотрансфер босма усулида (штрих код тарзида) идентификация белгиларини тайёрлайди, буюртманомаларни ҳисобга олиш дафтариди қайд этади. Уларни ташкилий-инспекторлик бўлими орқали божхона постига юборади.	икки иш куни мобайнида
5-босқич	Божхона пости ходими	Истеъмол товарларини буюртманома асосида идентификация белгилари билан маркировка қилади.	шу куннинг ўзида
6-босқич	Божхона пости ходими	Четдан келтирилаётган товарларни божхонада расмийлаштиради.	белгиланган тартибда

Четдан келтириладиган истеъмол
товарларини махсус назорат идентификация
белгилари билан маркировка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Божхона пости бошлиғига _____
(божхона постининг номи ва тартиб рақами, Ф.И.О.)

20____ йил «____» _____ да _____ рақами билан
(божхона пости ходими томонидан тўлдирилади)

рўйхатдан ўтказилган.

**Товарларни идентификация белгилари билан
маркировка қилиш юзасидан
БУЮРТМАНОМА**

(юридик шахснинг (жисмоний шахснинг) тўлиқ номи)

(манзили)

қўйидагиларни махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка
қилишни сўрайди:

(товарларнинг номи, маркаси, сони)

Божхона режимида турибди — _____
(божхона режимининг номи)

(ЮБДнинг тартиб рақами)

Микдори _____ та.

Юридик шахс (жисмоний шахс)нинг раҳбари

(Ф.И.О., имзо)

Четдан келтириладиган истеъмол
товарларини махсус назорат идентификация
белгилари билан маркировка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Худудий бошқармада идентификация белгиларини тайёрлаш юзасидан
буюртманомаларни божхона постида ҳисобга олиш
ДАФТАРИ**

Т/р	Импорт қилувчининг номи	Идентификация белгиларини тайёрлаш юзасидан буюртманомаларнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Идентификация белгилари сони	Вақтинчалик сақлаш ёки божхона омбори режимидаги юк божхона декларацияси тартиб рақами
1	2	3	4	5

Четдан келтириладиган истеъмол
товарларини махсус назорат идентификация
белгилари билан маркировка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

514-модда


**Худудий бошқармада идентификация белгиларини тайёрлаш
юзасидан буюртманомаларни ҳисобга олиш
ДАФТАРИ**

Т/р	Импорт қилувчининг номи	Идентификация белгиларини тайёрлаш юзасидан буюртманомаларнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Идентификация белгилари сони	Вақтинчалик сақлаш ёки божхона омбори режимидаги юк божхона декларацияси тартиб рақами
1	2	3	4	5

— 36 —

50 (498) -сон

Четдан келтириладиган истеъмол
товарларини махсус назорат идентификация
белгилари билан маркировка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Идентификацияловчи штрих-коди	Матндаги белгилар
	XXXXXXXX

Штрихли коддаги ахборот:

1. Товарнинг номи
2. Товарнинг сони
3. Товари келтирувчи шахснинг номи
4. Экспортчининг номи
5. Юк божхона декларациясининг
рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами
6. Тайёрловчи завод томонидан
қўйиладиган товарнинг серия рақами

Четдан келтириладиган истеъмол
товарларини махсус назорат идентификация
белгилари билан маркировка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

«Давлат белгиси» ДИБ бош директори _____га
(Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____да рўйхатдан ўтказилган рақами

**Ўзи елимланадиган махсус қоғоз сотиб олиш юзасидан
БУЮРТМАНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси _____ ўрам/та ўзи
ёпишадиган махсус қоғоз тайёрлаб беришингизни сўрайди.

ДБК раиси ўринбосари _____

(Ф.И.О., имзо)

М.Ў.

Четдан келтириладиган истеъмол
товарларини махсус назорат идентификация
белгилари билан маркировка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Ўзи елимланадиган махсус қоғоз тайёрлаш юзасидан
буюртманомаларни ҳисобга олиш
ДАФТАРИ**

Т/р	Буюртманоманинг тартиб рақами	Ўзи елимланадиган қоғозлар сони (ўрам/та)
1	2	3

Четдан келтириладиган истеъмол
товарларини махсус назорат идентификация
белгилари билан маркировка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

«Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси

**Ўзи елимланадиган махсус қоғозни бериш
КВИТАНЦИЯСИ**

20__ йил «___» _____ да рўйхатдан ўтказилган тартиб
(«Давлат белгиси» ДИБ ходими томонидан тўлдирилади)

рақаами _____

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан
_____ сўмга _____ миқдорда ўзи елимланадиган махсус қоғоз олиш
учун берилган.

_____ суммага олинган.
(ёзув билан)

Олдим _____ 20__ йил «___» _____

Имзо _____
(ўзи елимланадиган махсус қоғозни олувчининг Ф.И.О., имзоси)

Четдан келтириладиган истеъмол
товарларини махсус назорат идентификация
белгилари билан маркировка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

**Шахслар келтираётган товарлар бўйича идентификация
белгиларининг сарфланиши тўғрисида
АХБОРОТ**

_____ бўйича
(ДБК худудий бошқармасининг номи)
Ҳисобот даврида 20__ йил «__» _____ ойлар

Идентификация белгилари	Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ	Ҳисобот даврида тушгани
	сони (та)	сони (та)
1	2	3

жадвалнинг давоми

Ҳисобот даврида ишлатилгани	Ҳисобот даврида шикастлангани ва ҳисобдан чиқарилгани	Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ
сони (та)	сони (та)	сони (та)
4	5	6

* Ҳисобот электрон тарзида юритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 12 декабрдаги 324-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий
маркировка қилиниши керак бўлган четдан келтириладиган
истеъмол товарлари
РЎЙХАТИ**

Товарнинг номи	ТИФ ТН коди (2007 йилги версия)
Овқатни тайёрлаш ва иситиш учун қурилма	7321 11 100 0
Ҳарорат ва ҳаво намлигини ўзгартириш учун двигатели ва приборлари бўлган, вентилятор билан ускуналанган ҳавони кондициялаш учун қурилма, шу жумладан ҳавони алоҳида тартибга солиш мумкин бўлмаган кондиционерлар	8415 10 100 0, 8415 10 900 0, 8415 20 000 9, 8415 81 009 0, 8415 82 000 9, 8415 83 000 9

Товарнинг номи	ТИФ ТН коди (2007 йилги версия)
Электр ёки бошқа турдаги музлатгичлар, совутгичлар ва бошқа совутгич ёки музлатгичлар	8418 10 200 1, 8418 10 200 9, 8418 10 800 1, 8418 10 800 9, 8418 21 100 0, 8418 21 510 0, 8418 21 590 0, 8418 21 910 0, 8418 21 990 0, 8418 29 000 0, 8418 40 200 1, 8418 40 200 9, 8418 40 800 1, 8418 40 800 9
Уй-рўзгор идишларини ювиш машиналари	8422 11 000 0
Пластина, цилиндрлар ва 8442 товар позицияси бошқа босма шакллари билан босишда фойдаланиладиган босма машиналар; бошқа принтерлар, нусха кўчириш аппаратлари ва факсимиль аппаратлари, бирлаштирилган ёки бирлаштирилмаганлари	8443 31 100 0, 8443 31 910 0, 8443 31 990 1, 8443 31 990 9, 8443 32 100 1, 8443 32 100 9, 8443 32 200 0, 8443 32 910 0, 8443 32 950 1, 8443 32 950 9, 8443 32 990 0, 8443 39 100 0, 8443 39 210 1, 8443 39 210 9, 8443 39 290 0, 8443 39 900 1, 8443 39 900 2, 8443 39 900 9
Маиший ёки кирхоналар учун кир ювиш машиналари, шу жумладан ювилган буюм сувини сиқиш қурилмаси билан жиҳозланган машиналар	8450 11 110 0, 8450 11 190 0, 8450 11 900 0, 8450 12 000 0, 8450 19 000 0
Чанг ютгичлар	8508 11 000 0, 8508 19 000 1, 8508 19 000 9, 8508 60 000 0
Маиший тургун электр плиталари	8516 60 101 0
DVD-проигравателлари	8521 90 000 1
Овоз ёзгичи ёки овоз кучайтириш аппаратлари ёки соатлари бўлган қўшма ёки битта корпусга бирлаштирилмаган радиоэшиттириш учун қабул қилувчи аппаратлар	8527 91 190 0, 8527 91 910 0, 8527 91 930 0, 8527 91 980 0, 8527 92 100 0, 8527 92 900 0, 8527 99 000 0
Таркибига қабул қилувчи телевизион аппарат кирмайдиган мониторлар ва проекторлар; таркибига кенг қамровли радиоприёмник ёки аппаратура, ёзиб олувчи ёки овозни акс эттирувчи ёки тасвирловчилар кирадиган ёки кирмайдиган телевизион алоқа учун қабул қилувчи аппаратлар	8528 41 000 0, 8528 49 100 0, 8528 49 210 0, 8528 49 250 0, 8528 49 900 0, 8528 51 000 0, 8528 59 100 0, 8528 59 900 0, 8528 61 000 0, 8528 69 050 0, 8528 69 200 0, 8528 69 800 0, 8528 71 200 0, 8528 71 300 0, 8528 71 500 0, 8528 71 990 0, 8528 72 100 0, 8528 72 200 1, 8528 72 200 9, 8528 72 520 0, 8528 72 540 0, 8528 72 560 0, 8528 72 580 0, 8528 72 620 1, 8528 72 620 2, 8528 72 620 3, 8528 72 620 9, 8528 72 660 0, 8528 72 700 1, 8528 72 700 2, 8528 72 700 3, 8528 72 700 9, 8528 72 810 0, 8528 72 890 0, 8528 73 000 0

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 12 декабрдаги 324-сон қарорига
3-ИЛОВА

Четдан келтириладиган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиш тизимини жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан четдан келтириладиган зарур технологик асбоб-ускуналар, сарфлаш материаллари ҳамда «Маркировка қилиш ва аудит» идоралараро ахборот тизимининг дастурий таъминоти
РЎЙХАТИ

Товарнинг номи	ТИФ ТН коди (2007 йилги версия)	Ўлчов бирлиги	Сони
Маълумотлар базаси сервери	8471 50 000 0	та	2
Ноутбук	8471 30 000 0	та	40
Штрихли кодлар сканерлари	8471 90 000 0	та	120
3G-модемлари	8517 62 000 1	та	40
Персонал компьютер	8471 49 000 0	та	15
Этикеткалар учун термотрансферли принтер	8443 32 100 9	та	15
Ўз-ўзидан ёпишадиган қоғоз*	4821 90 100 0	минг та	1500
Риббон — бўёвчи лента*	9612 10 800 0	та	10
СД-дискда дастурий таъминлаш	8523 40 200 0	та	1
Этикеткаларнинг қўл аппликатори	8205 59 909 9	та	120

* Сарфлаш материалларини келтириш ҳар йилги истеъмолдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.